

Наманган вилояти

ҚАДРЛАНГАН МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

Сайдулла Абубакировни нафақат Миришкор қишлоғи аҳли, балки Наманган тумани деҳқонларининг кўчилиги тажрибали фермер, меҳнаткаш инсон ва моҳир деҳқон деб билишди. У раҳбарлик қилаётган "Олтин замин ифтихори" фермер хўжалигида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларидан мўл ҳосил олиниб келинаётди.

Жорий йил мазкур фермер хўжалиги аъзолари учун меҳнат ютуқларига бой бўлди. Аввало, пиллачиликдан мўл ва сифатли санат хомашёси етиштирилди. Мустақам озуқа базаси ва фидокорона меҳнат ўз самарасини берди. Қабул масканларига сифатли хомашё етказиб берилди. Ғаллачиликда ҳам юқори натижалар қўлга киритилди. 63 гектар ғалла майдонидан мўл ҳосил олинди. Ҳосилдорлик гектарига режадаги 45 центнер ўрнига 72 центнерданга тўғри келди. Энг муҳими, ҳосилнинг ақсарияти юқори навларга қабул қилинди. Бу, ўз навбатида, фермер хўжалигининг даромади ошишига, моддий манфаатдорлигининг янада юқалишига хизмат қилмоқда.

Жорий мавсумда Наманган туманида яратилган юксак пахта хирмонида Сайдулла Абубакиров етакчилик қилаётган фермер хўжалиги аъзоларининг ҳам муносиб улуши бўлди. 55 гектар пахта майдонидан 270 тоннадан ортиқ ҳосил олинди. Ҳосилдорлик гектарига 42 центнер ўрнига 47,5 центнерни

ташkil этди. Сифатли хомашёнинг асосий қисми юқори навларга топширилди.

— Эришаётган ютуқларимизнинг асосий омили биз фермерларга яратиб берилган шароит ва кўрсатилаётган ғамхўрликдандир, — дейди фермер. — Шукрки, биз меҳнати қадрланадиган замонда яшаймиз. Озинга меҳнатинг юксак қадрланса, бу рағбатдан кўнгли ҳам тоғдек ўсар экан. Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрам муносабати билан Президентимиз Ислам Каримовнинг Фармонида кўра, "Дўстлик" ордени билан тақдирланганлигим, нафақат мени, балки, бутун фермер хўжалигимиз аъзоларини тўлқинлантириб, янги зафар марралари сари илҳомлантириб юборди. Камтарона меҳнатимиз Юртбошимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида эътироф этилганлиги эса кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшиб, янада астойдил меҳнат қилишга ундади.

Ҳақиқий деҳқон доимо даласини ўйлайди. Ерга боқиб, даласини



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

одимлаб, келажак режасини тузади. Қиш фасли бошланаётганига қарамай, фермер хўжалигида иш қизғин. Келгуси йил ғалла ҳосили учун экилган 58 гектар майдондаги ғалла униб чиқиб, туплабди. Бунинг учун барча агротехник тадбирлар об-и-тобида амалга оширилибди. Шу кунгача майсалар озиклантирилиб, обихаётга қондирилибди.

— Бунда сувчилардан Баҳриддин Умаров, Мирзаабдулла Усмонов, Тўлқинбой Носиров ва бошқалар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишди, — дейди фермер. — Уларнинг меҳнатидан мамнунимиз. Шунингдек, бугунгача 41 гектар майдонда кузги шудгорлаш ишларини ниҳоясига етказдик. Бунда меҳанизаторлар Маҳаммадjon Аббо-

сов, Абдумутал Қозоқов, Ҳакимжон Қорабоевлар астойдил меҳнат қилишди.

Ҳосилдорликнинг ошиши фермер хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамлашишига ҳам хизмат қилмоқда. Айни пайтда хўжаликда иккита "ТТЗ-80-11", "ТС-135" тракторлари, шунингдек, дала юмушларида ишлатиладиган бир қатор меҳанизмлар бор. Янги йилда хўжалик кўп тармоқли фермер хўжаликка айлантирилиб, чорвачиликка асос солинади. Бунинг учун барча имконият ва шароитлар мўлжалланади. Бундан ташқари, маҳалла гузарига аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, янги иш ўринлари яратишга ҳам катта эътибор берилади.

Сайдулла Абубакиров нафақат уста пахтакор, миришкор деҳқон, балки файзли хонадон бошлиғи ҳамдир. У киши турмуш ўртоғи Моҳира опа билан беш нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди. Фарзандларининг барчаси олий маълумотли, ўз касб-корларининг малакали мутахассислари ҳисобланишди.

— Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригидаги "Пахта азал-азалдан оқлик, оқ рангнинг тимсоли сифатида эътироф этилади. Оқ пахта ни фақат оққўнғил одамларига етиштирилади. Таъбир жоиз бўлса, пахта нафақат оқ рангнинг рамзи, балки фидокорона меҳнатнинг маҳсули десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди", деган сўзлари замирида бугун деҳқонларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор, уларнинг меҳнати кадр топаётгани, улуғланаётгани мўжассам эди, — дейди фермер. — Биз фермерлар ўзимизга билдирилган ишончнинг оқлаб, элу юрт ишига қамарбаста бўлишга ҳаракат қиламиз. Қўлга киритилаётган ютуқларни мустаҳкамлаб, турмуш фаровонлигини янада ошириш, тараққиётга муносиб улуш қўшиб мақсадида шижоат билан меҳнат қиламиз.

Фермер дилидаги гаплар шундай самимий ва ғурурли эди. Ҳа, мустақиллик бизнинг қалбимизга ана шундай ҳис-туйғуларни солди. Шундай қалб билан яшаш, ишлаш туйғусини берди. Дунёда энг катта бахт меҳнатдан маъно топиб яшамоғиндир. Истиқлол берган неъматларнинг улуғи — меҳнатдан маъно — қадр ва бахт топангимиздир.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Самарқанд вилояти

Самарқанд шаҳрида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўртасидаги "Аълочи ҳодим" кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

МУНОСИБЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Кўрик-танлов ёнғин хавфсизлиги хизматининг тўрт тоифадаги хизматчилари ўртасида ўтказилиб, унда ҳудудий босқичларда голиб деб топилган жами 58 нафар ҳодим иштирок этди.

Кўрик-танлов натижасига кўра, Ички ишлар вазирлиги тизимидаги Ёнғин ўчириш штаби гуруҳ бошлиқлари ўртасидаги баҳсда Бухоро вилояти, Самарқанд вилояти ҳамда Наманган вилояти Ёнғин ўчириш штаби гуруҳлари голиб деб топилди.



Ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди командирлари ўртасидаги мусобақада Тошкент шаҳридаги 7-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди биринчи, Навоийдаги 2-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди иккинчи, Намангандаги 1-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми навбатчи смена бошлиқлари ўртасидаги мусобақада Тошкент шаҳри биринчи, Хоразм вилояти иккинчи, Фарғона вилояти учинчи ўринни эгаллади.

Касбий ёнғин хавфсизлиги қисми навбатчи смена бошлиқлари ўртасидаги танловда қоракалитонлик қисми Саатбай Искандаров, бухорлик Акмал Фаттуллаев ҳамда самарқандлик Ботиржон Отақуловлар мусобақа совриндорлари қаторидан жой эгаллади.

Голиб ва совриндорлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасининг фахрий ёрликлари ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

С.АТАМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ катта муҳандиси, капитан.

Анжиқон вилояти



КУЗДА БАҲОР ТАДБОРИГИ

ДЕҲҚОНЛАРНИНГ КУЗДА ДАЛАГА ПУШТА ОЛИБ, УНГА СУВ ТАРАШ ТАЖРИБАСИ САМАРА БЕРМОҚДА

Олтинқул туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалиги раҳбари Тоҳиржон Ражабов тажрибали фермерлардан бири. У фермерлар сафига қўшилганидан буён ҳосилдорликни мудом ошириб келмоқда. Жорий йилда ҳам у раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги аъзолари ғалла ва пахтадан мўл ҳосил олишди, шартнома шартларини ошиғи билан уддалашди.

Яқинда фермернинг даласида бўлди. Далага пушта олиниб, сув очилибди. Олимжон Йўлдошев, Жўрабой Соипов, Муқимжон Жалилов ва Умиджон Йўлдошевлар эгата-эгат юришиб, сувнинг бир меъёрида оқшишни назорат қилишаётган эди. — Кузда пушта олиб қўйиш баҳор-

да чигит экишни қулай муддатда ўтказиш қаторида текис кўчат олишни ҳам кафолатлайди, — дейди Тоҳиржон Ражабов. — Пуштанинг яна бошқа эътиборли жиҳатлари бор. Жумладан, пушта олиб, сув очсан-ки, сув эгтарларда музлайди, натижада ҳали қишлоғга кирмаган ил-

диз ва кўсак қуртлари каби зараркунандалар йўқолади. Баҳорда эса ниш урган бегона ўтлар борона солингандан сўнг жойидан қўзғалиб, ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Қараб-сизки, чигит эркин илди эстади, кўчат бақувват бўлади.

Демак, тажрибали деҳқонларнинг кузда пушта олиб қўйишга эътибор қаратишида ҳикмат кўп экан. Жойларда бўлганимизда илгор тажрибаларга суянадиган фермерларнинг айни шу тадбирга алоҳида эътибор қаратаётганининг гувоҳи бўлдик. Улар баҳорга — келгуси йилнинг мўл ҳосилига тайёргарлик кўришмоқда.

Улуғнор туманидаги "Улуғнор баҳори" фермер хўжалиги раҳбари Абдуғаффор ота Абдуллаев кузги шудгорга жиддий ёндашади. Оби-тобида ўтказилган тадбирдан сўнг далага борона киритиб, бегона ўтларни механик усулда йўқ қилади, текислаб, пушта олади, куз-қиш давомида пуштага, албатта, сув очади.

— Кўплаб деҳқонларнинг устози бўлган Абдукарим Мўминов чўл шароитида пушта олиш, бостириб сув бериш ва баҳорда чигит экиш орқали ҳосилдорликни кўтаришни амалда исботлаб берган эди, — дей-

ди Абдуғаффор ота. — Авваллари ер шудгорлангандан сўнг, албатта, чел олинар, уч бор сувга тўлдирилди. Баҳорда эса чел бузилиб, ер текисланиб, сўнгра чигит экиларди. Устозимиз эса бу тадбирдан воз кечиб, пушта орқали деҳқончиликда янги йўналишни бошлаб берганди. Бугун Абдукарим Мўминов яратган усулга фермерлар томонидан катта қизиқиш билдирилмоқда. Уни амалиётда кенг қўллашга ҳаракат қилинмоқда.

Балиқчи туманидаги "Эргашли Усмон боғи" фермер хўжалиги агрономи Шавкатбек Тошимуратов ҳам бу усулнинг самараси салмоқли эканлигини амалиётда кўп қўзатди. Жорий йилда ушбу фермер хўжалигида 20 гектар майдонда гўза парваришланиб, 47,5 центнердан ҳосил олинди. Унинг айтишича, пушта олиш нафақат уруғ қадашни оби-тобида ўтказиш, кўчат олиш, бегона ўт ва зараркунандаларнинг қамайиши имконини беради, балки қиш илдининг чуқур кетишига шароит яратлади. Натижада гўза эркин ривожланиб, мўл ҳосил яратилди.

Кобилжон АСҚАРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Тошкент вилояти

ПАРКЕНТ УЗУМИНИНГ ДОВРУҒИ

Мамлакатимизда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, аҳолининг мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, заминимизда етиштирилаётган мевани қайта ишлаш ва экспортини кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 9 январда қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилаётди.

Тошкент вилоятида ҳам ушбу ҳужжат ижроси доирасида боғу роғлар, узумзорлар кенгайтирилиб, янгилари барпо этилмоқда.

Вилоят ҳокимлигининг қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан маълум қилишларича, айни пайтда барча тоифадаги хўжаликларда 29,4 минг гектар мевали боғ, 18,1 минг гектар тоқзор мавжуд. Мевали боғнинг 22,3 минг, узумзорларнинг 12,8 минг гектари фермер хўжалиқларига, қолгани аҳолига тегишли.

Вилоят миришкорлари эскирган боғ ва тоқзорларни қайта тиклаш, янгиларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтган йилнинг кузи ва шу йилнинг баҳоридан 1 минг 318 гектар янги мевали боғ ташкил қилинди. Унинг 775 гектари маҳаллий мевали, 543 гектари интенсив боғлардир.

— 2013-2015 йилларда вилоят бўйича 1 минг 365 гектар эскирган тоқзорларни қайта тиклаш

режалаштирилган, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи вазифини бажарувчи Абдусамат Ақромов. — Обод турмуш йилнинг ўтган даврида 270 гектардан кўпроқ узумзор қайта тикланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013-2015 йилларда тоқзорлар самардорлигини ошириш ҳамда ички бозорни узум маҳсулотлари билан таъминлаш, узумчилик соҳасини янада ривожлантиришга оид қарорига биноан вилоятда 5 минг 180 гектардан ортиқ майдонга узум экилади. Унинг 4 минг 315 гектари Паркент ва Бўстонлик туманларининг лалми ерларига тўғри келмоқда.

Паркентда чорвачилик, боғдорчилик, айниқса, узумчилик яхши ривожланган.

— Иш юзасидан, яъни табиий шароитда — офтоб ва сояда қурилаган сифатли майиз харид қилиш учун кўп мамлакатларда бўлдим, — дейди Жанубий корейлик тадбиркор Жи Ха Ли. — Ҳеч қаерда Ўзбекистон узумидек таъм ва ширага эга маҳсулотни учратмадим. Табиийки, ундан ишлаб чиқариладиган товар харидориги бўлади.

Паркентлик фермерлар боғ ва тоқзорларни парваришлаш, агро-

техник тадбирларни ўз вақтида сифатли бажариш учун давлатимиз томонидан яратиб берилган кенг шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланмоқда. Турли халқаро кўрик-танлов ва кўргазмаларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритаётди.

2013 йилнинг 20-28 август кунлари Украинада бўлиб ўтган "Узумнинг олтин шингиллари — 2013" халқаро кўргазмасида паркентлик фермер Баҳром Юсуфалиев саккиз хил узумни намойиш этиб, юксак эътирофга сазовор бўлди.

Кўргазмада ўзбекистонлик фермерлар олий ўрин ҳамда олтин кубокни қўлга киритишига ҳисса қўшганидан хурсандман, — дейди "Гулбоғ Бурҳон" фермер хўжалиги раҳбари Б.Юсуфалиев. — Австрия, Россия, Туркия, Швейцария, Голландия каби бўлаб давлатларда етиштирилган энг сара маҳсулотлар кўригуда бундай ютуққа эришиш давлатимиз раҳбари томонидан соҳа ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган "Байналмилал плюс" фермер хўжалиги қарашли ернинг ўттиз уч гектари тоқзор. 48 нафар ишчи меҳнат қилаётган хўжаликда узумнинг баян-шайрин, тоифи, хўраки, сояки, оқ ва қора қишмиш каби навлари етиштирилмоқда.

— Узумчилик учун об-ҳавонинг яхши келгани, тоқларни кесиб-қўмиш, очиш, қатор ораларига ишлов бериш ва сўғориш ишларини вақтида, сифатли бажарганимиз юқори ҳосил олишимизни таъминлади, — дейди хўжалик

раҳбари Ботир Расулов. — Ҳосилнинг бир қисмини — 245 тонна узумни шартнома асосида худуддаги "Суқоқ шароб" қайта ишлаш корхонасига топширдик. Яна бир қисмини бозорда сотган бўлсак, қолгани қуритилиб, майиз қилинди. Бу хўжалигимиз аъзоларининг даромадини ошириш имконини бермоқда.

Мирсоли Султонов ўттиз йилдан бери узум етиштириш билан шугулланиб келади.

— Бир пайтлар туманимизда атиги иккита узумни қайта ишлаш корхонаси бўларди. Даламиздан 10-15 километр наридаги ушбу корхоналарга маҳсулотни олиб бориш ва топширишга кўплаб муаммоларга дуч келарди. Бир амаллаб корхонага етказилган узумни арзимас сабаблар билан қабул қилмаган, натижада тонналаб маҳсулот исроф бўлган вақтлар ҳеч эсимдан чиқмайди, — дейди у. — Бугун вазият бутунлай бошқача. Туманда ўн бешга яқин узумни қайта ишлайдиган корхона фаолият юритмоқда. Етиштирилган маҳсулотимизнинг асосий қисми хўжалигимизга туташ даладаги "Эрк макон" корхонасига қайта ишланаётгани бизга ҳар жиҳатдан қулайлик туғдирмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фермер ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқда сановатли ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасидир.

— Жорий мавсумда фермерлардан 670 тонна санатбоп узум қабул қилиб олдик, — дейди "Эрк макон"

Қашқадарё вилояти

Қашқадарё вилоятида сувдан фойдаланишдаги илгор тажрибаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалик корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги ҳамда "Аму-Қашқадарё" ирригация тизимлари хавза бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда Андижон, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларидан келган соҳа мутахассислари, ирригаторлар, мелиораторлар иштирок этишди.

ҲАР ҚАТРАСИ БЕБАҲО

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда сувдан оқилона фойдаланиш борасида изчил чоралар амалга оширилмоқда. Соҳага кўрсатилаётган алоҳида эътибор самарасида ўтган йиллар мобайнида юртимизда мавжуд сув ресурсларини бошқариш ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларини обихаёт билан узлуксиз таъминлаш имконини берадиган самарали сув хўжалиги тизими яратилди.

Жойларда қатраси гавҳарга тенг обихаётдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, истеъмолчиларга белгиланган миқдорда етказиб бериш, сув ресурсларидан тегишли тартиб-қоидаларга риоя этган ҳолда фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси қилишни таъминлашда сув истеъмолчилари уюшмалари ўз ўрнига эга. Унинг фаолияти сувдан оқилона фойдаланишни ташкил этиш изчиллигини таъминлашга қаратилган.

— Обихаётнинг ҳар томонидан тежамли, мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳисобига иқтисодиётнинг барча тармоқларини кафолатли сув билан таъминлаш бугунги куннинг энг асосий талабларидан

бири, — дейди "Аму-Қашқадарё" ирригация тизимлари хавза бошқармаси бошлиғи Ботир Раҳмонов. — Мана шу тамойил ҳисобга олинган ҳолда вилоятдаги сув истеъмолчилари уюшмаларида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, уларнинг молиявий аҳолини яхшилаш, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, СИУлардаги истеъмолчиларга сув етказиб беришнинг аниқ ҳисоб-китобини юритиш ва уни мониторинг қилиш борасида тажрибалар тўпланди.

Анжуман иштирокчилари Миришкор туманидаги СИУларда тўпланган илгор тажрибалар билан танишди. — Биз ушбу тадбирдан бир олам таассурот олдик, — дейди Андижон вилоятининг Улуғнор туманидаги "Ўзбекистон" сув истеъмолчилари уюшмаси раҳбари Муҳаммадjon Йўлдошев. — Миришкор туманидаги СИУда тўпланган тажриба барчамизга манзур бўлди. Унинг афзал томони сувнинг беҳуда исроф бўлишини қаматиради. Обихаёт танқис шароитида сувни тежаш ва зарур миқдорда етказиб беришга имконият яратди.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Сурғарё вилояти

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШДИ

Янгиер шаҳридаги "Мос-Янтекс" қўшма корхонасида қиймларга безак бериш ва расм тушириш ўзлаштирилди. Бунинг учун корхонада 404,5 миллион сўмлик модернизация ишлари амалга оширилди.

Польшадан келтирилган қиймларга расм туширувчи дастгоҳ мамлакатимизда ягоналиги билан ҳам эътиборга моликдир.

Энг муҳими, модернизация ишларининг бажарилиши маҳсулот сифатини яхшилаб, экспорт ҳажминини янада ошириш имконини берди. Айни чоғда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ



масъулияти чекланган жамияти маъсул ходими Зокир Рўзमतов. — Ўтган ойлarda уни пўсти ва данагидан ажратиб, сувини бир неча босқичда қайта ишладик. Айни кунларда 25-50 тонна идишларда сақланаётган узум суви шунинга айлантирилмоқда. Кунига ўртача 4-5 тонна шинни тайёрлаймиз. Маҳсулотнинг асосий қисми чет элга экспорт қилинади.

Туманда давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январда қабул қилинган "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, мева-сабзавотни қайта ишлайдиган корхоналарни ривожлантириш, хорижга маҳсулот экспорт қилиш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, худудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажминини ошириш, сифатини яхшилаш, экспортини кенгайтириш ва янги иш ўринлари очиб имконини бермоқда. Масалан, Бойқозон маҳалласида ташкил этилган "Гулбахор Юлдуз омад" кичик

корхонаси ишга тушиши билан ун нафардан зиёд фуқаро доимий даромад манбаига эга бўлди.

— Фермер хўжалиқларидан олган помидор, бодринг ва бошқа сабзавотларга ишлов бериб, 400 граммдан бир литргача бўлган маҳсул ишлашга қадоклайимиз, — дейди кичик корхона раҳбари Г.Турсунқолова. — Ҳозиргача етмиш минг тоннадан ортиқ шундай идишда тузлама тайёрланди. Тайёр маҳсулотлар буортмачиларга пешма-пеш етказилаётди.

Туман фермерлари кенгайтириш раиси Фахриддин Рухиддиновнинг айтишича, 2013-2015 йилларда Паркентнинг сув таъминоти паст ерларидан 3 минг 317 гектар тоқзор, икки минг тонна сивига эга бир неча замонавий совиткич барпо этилади. Наманганда 4 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Янги тоқзорларга экиладиган узум навларини танлашда худуднинг тупроқ таркиби ва иқлим шароити, ташқи ва ички бозордаги талаб мунтазам ўрганиб борилиши ҳам парктентлик миришкорларнинг муваффақиятини таъминлаётган омиллардан биридир.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

«КО`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ХАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазири Махкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фаргона вилояти Дангара тумани ҳокимиятининг 2013 йил 27-ноябрдаги 421-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи тақдоран қўйилмоқда:
1. Минифулбол майдончалари, тренажёр зали ва дам олиш хоналари қуриш учун Дангара тумани «Дангара» Ш.Ф.И Санот кўчаси 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 2 000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 099 776 сўм.
2. Савдо мажмуаси қуриш учун Дангара тумани «Оқжар» Қ.Ф.И Чағали қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 1 600 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 720 518 сўм.
Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Дангара тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шахарозлик топшириғи асо-

сида белгиланади. Шахарозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.
Талабгорлардан буюртма-маномаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 17 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.
Талабгорларнинг конвертлари Дангара тумани ҳокимлиги биносидан 2013 йил 18 декабрь куни соат 13:00 да очилади, 2013 йил 18 декабрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносидан таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор-ғолиб деб топилади.
Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «Халқ банки» Фаргона вилояти филиали амалиёт бўлимидаги: МФО 00497, СТИР 207122519, 2020800004920609011 х/р га тўлашлари шарт.
Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдордаги ҳақ эвазига олади.
Талабгорлар буюртма-нома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:
- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома

нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар - паспорти нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов тақдирловчи зақалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабгорларга мувофиқ тўлиб, касига бўлган қўрилган бошланғич баҳосининг икки нусхадаги танлов тақдирлари.
Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.
Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчиси билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:
- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ЗОМИН ТУМАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Жиззах вилояти Зомин туманида 2013 йил бажариладиган ички хўжалик йўллари жорий таъмирлаш (4К 259 а/йўли Иттифок, Қорақурсок, Эшматовул, Гуртепа қишлоқларидан 4Р/34 а/йўлга чиқиш йўли - 2,0 км).
Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСиз 106,634 млн. сўм, ҚҚС билан 127,961 млн. сўм.
Ишларни тугаллаш мuddати: 2013 йил 31 декабрга.
Ишларни молиялаштириш бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Буюртмачи манзили: Жиззах вилояти Зомин тумани Зомин шаҳарчаси Ф.Абдуллаев к-си 58-уй. Телефон: (8372) 392-14-49.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазири Махкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Автомобиль йўллари капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 25% ташкил қилади.
Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20% миқдоридидаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўқшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов тақдирлари баҳолаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: офертларнинг танлов тақдирларини баҳолаш вақтида қўрилган мувофиқ қўшимча қиймат солигини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл офертларнинг тақдирлари қўшимча қиймат солиғи қўйиб ҳисобланади.
Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси - Жиззах вилояти қурилиш ва танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.
Бир тўплама танлов ҳужжатларининг нархи - 70 минг сўм.
Тақлифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.
Офёрталарнинг танлов савдоси ташкилотчиси тақдим этишнинг охириги мuddати - офёрталар очилиш кuni ва соатига.
Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах ш. Ш. Рашидов шох кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биносини), кичик мажлислар зали.

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ НАВОЙИ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2014 йил 3 январь куни соат 11:30 да бошланғич баҳоси охири бориши тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига Қизилтепа тумани Тинчлик кўчаси 43-уйда жойлашган «Истиклол» ОАЖга қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1984 й. и/ч «КАМАЗ-5511» русумли, д/р 21 АВ 302, бошланғич баҳоси 6 100 000 сўм; 1986 й. и/ч «КАМАЗ-5511» русумли, д/р 21 АВ 260, бошланғич баҳоси 10 600 000 сўм; 1987 й. и/ч «ОДА3-9370» русумли, д/р 21 А 037, бошланғич баҳоси 4000 000 сўм; 1985 й. и/ч «КАМАЗ-504 В» русумли, д/р 21 АВ 330, бошланғич баҳоси 7 050 000 сўм; 1984 й. и/ч «КАМАЗ-504 В» русумли, д/р 21 АВ 352, бошланғич баҳоси 9 050 000 сўм; 1987 й. и/ч «КАМАЗ-5433» русумли, д/р 21 АВ 293, бошланғич баҳоси 9 000 000 сўм; 1988 й. и/ч «КАМАЗ-5549» русумли, д/р 21 АВ 304, бошланғич баҳоси 7 080 000 сўм; 1991 й. и/ч «КАМАЗ-5551» русумли, д/р 21 АВ 342, бошланғич баҳоси 7 500 000 сўм; 1984 й. и/ч «ГА3-52» русумли, д/р 21 АВ 356, бошланғич баҳоси 2 470 000 сўм; 1988 й. и/ч «КАМАЗ-5549» русумли, д/р 21 АВ 328, бошланғич баҳоси 5 530 000 сўм; 1987 й. и/ч «КРА3-25661» русумли, д/р 21 АВ 820, бошланғич баҳоси 5 900 000 сўм; 1989 й. и/ч «КАМАЗ-5549» русумли, д/р 21 АВ 338, бошланғич баҳоси 8 750 000 сўм; 1988 й. и/ч «КАМАЗ-5551» русумли, д/р 21 АВ 345, бошланғич баҳоси 5 950 000 сўм; 1983 й. и/ч «КАМАЗ-5549» русумли, д/р 21 АВ 287, бошланғич баҳоси 5 200 000 сўм; 1984 й. и/ч «КАМАЗ-5549» русумли, д/р 21 АВ 332, бошланғич баҳоси 5 400 000 сўм; 1980 й. и/ч «ПА3-672М» русумли, д/р 21 АВ 343, бошланғич баҳоси 1 220 000 сўм; 1982 й. и/ч «КАМАЗ-504 А» русумли, д/р 21 АВ 341, бошланғич баҳоси 8 500 000 сўм; 1987 й. и/ч «КАМАЗ-5549» русумли, д/р 21 АВ 305, бошланғич баҳоси 5 900 000 сўм; 1986 й. и/ч «КАМАЗ-54112» русумли, д/р 21 АВ 295, бошланғич баҳоси 2 550 000 сўм; 1985 й. и/ч «КАМАЗ-5511» русумли, д/р 21 АВ 792, бошланғич баҳоси 12 100 000 сўм; 1983 й. и/ч «КАМАЗ-5511» русумли, д/р 21 АВ 291, бошланғич баҳоси 10 500 000 сўм; 1987 й. и/ч «КАМАЗ-5511» русумли, д/р 21 АВ 324, бошланғич баҳоси 11 400 000 сўм; 1985 й. и/ч «КАМАЗ-5511» русумли, д/р 21 АВ 331, бошланғич баҳоси 8 600 000 сўм; 1983 й. и/ч «КАМАЗ-5511» русумли, д/р 85 197 КА, бошланғич баҳоси 9 850 000 сўм; 1986 й. и/ч «КАМАЗ-5511» русумли, д/р 21 АВ 348, бошланғич баҳоси 9 900 000 сўм; 1984 й. и/ч «КАМАЗ-5549» русумли, д/р 21 АВ 286, бошланғич баҳоси 4 280 000 сўм; 1983 й. и/ч «КАМАЗ-5511» русумли, д/р 21 АВ 309, бошланғич баҳоси 8 100 000 сўм; 1984 й. и/ч «КАМАЗ-5320» русумли, д/р 21 АВ 323, бошланғич баҳоси 12 950 000 сўм.
Мазкур автотранспорт воситалари 2013 йил 3 январь кунидида савдода сотилмаган тақдирда тақдирий аукцион савдолари 2014 йил 10, 17 ва 24 январь ҳамда ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси ғолиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 (беш) фоизи миқдоридида комиссия йиғини тўланади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Зақалат пули тўғрисидаги қелишу»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 50 (эллик) фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини Савдо ташкилотчиси «Universal Auktion Invest» МЧЖ Навойи вилояти филиалининг Навойи шаҳар «Ипак йули» банкидаги МФО: 00199, ИИН: 302083379, ХХТУТ 84200, 20208000404932168016 ҳисобрақамига (тўлов ҳужжатида объект номини, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда) тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, зақалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати. Иштирокчи қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Навойи шаҳар П.Очилов кўчаси 23-уй. Мурожаат учун тел.: (8436) 224-84-38.

Гувоҳнома № 004059

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМГАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ 3-3:
ЛОТ-3-1: «Андижон вилояти туманларидаги вертикал дренаж қудуқларини реконструкция қилиш (17 дона)».
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи 1 248 781 435 сўм (ҚҚСиз), ишларнинг тугаланиш мuddати 12 ой.
ЛОТ-3-2: «Жиззах вилояти Арнасой ва Мирзачўл туманларидаги «Қозоғистон», «Самарқанд», «Мирзачўл» ва «Абай» СИУ ҳудудларида коллекторлар қуриш ва реконструкция қилиш».
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи 392 939 769 сўм (ҚҚСиз), ишларнинг тугаланиш мuddати 9 ой.
ЛОТ-3-3: «Жиззах вилояти Арнасой туманидаги «Фаргона», «Қозоғистон» ва Й.Зоҳидов номи СИУ ҳудудларида коллекторларни реконструкция қилиш».
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи 404 896 849 сўм (ҚҚСиз), ишларнинг тугаланиш мuddати 11 ой.
Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирилик хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамгармасини бошқариш Департаменти.
Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирилик хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамгармасини бошқариш Департаменти.
Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.
